

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 3 МАРТ, ЖУМА

● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 10 (558) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

НАМАНГАН
НОЗИМЛАРИ

Истиқлол
бадиалари

ТАНЛОВМИ,
МАНФААТ?!

Луқма

НАФАҚА ТЎЛОВИ
ҚАЧОН БЕКОР
КИЛИНАДИ?

Сўраган эдингиз

ЖОРЖ БУШНИНГ
САФАРИ

Хориж
хабарлари

УЗОҚ УМР
КЎРАЙ
ДЕСАНГИЗ

Психолог маслаҳати

ИБН СИНОНИНГ
БОЛАЛИГИ

Қадр кечаси

2

3

4

Тадбир

Ҳар соҳада ўз ўрни бор

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» мухбири

Истиқлолнинг илк йиллари-
данок мамлакатимизда хотин-
қизларнинг жамиятдаги мак-
еини ошириш, оналик ва бола-
лики муҳофаза қилиш, аёллар
ижтимоий ҳимоясини кучайти-
риш давлат сиёсатининг усту-
вор йўналишларидан бирига
айланди.

Ўзбек хотин-қизлари — спорт-
да, илмда, ижодда, тадбиркор-
лигу раҳбарлик бобида, қўйин-
ги ҳар бир жабҳада таҳсинга
лоийқ ишларни амалга ошириб
келмоқдалар. Зотан, давлатимиз
раҳбари таъкидлаганларидек:
«Бугун мамлакатимиз ҳаётининг
қайси томонини олмайлик — од-
дий оиланинг рўзгорини теб-
ришдан тортиб давлат ва жам-
ият қурилишигача, иқтисодиётни
ривожлантиришдан тортиб со-
лиқни сақлаш, таълим-тарбия,
маданият ва илм-фан тараққиё-
тигача — бу соҳаларнинг барча-
сини аёлларнинг иштирокисиз
тасаввур этиб бўлмайди, десак,
айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

«Меҳр» хотин-қизлар нодав-
лат нотижорат ташкилотлари
бирлашмасида бўлиб ўтган
Ўзбекистон Республикасининг
ижтимоий-сиёсий ҳаётида хо-
тин-қизларнинг иштирокини
ошириш» номи давра суҳбати
ана шу мавзуга бағишланди.
Унда республикаимизда кўзга
қўйинган кўплаб раҳбар ва иш-
билармон, тадбиркор, ташаббус-
кор аёллар иштирок этишди.
Давра суҳбатини мазкур бир-

лашма раиси Зулфия Тўхтаҳ-
жаева бошқарди.

Сайёра ХУЖАЕВА, Марказий
сайлов комиссияси раиси
ўринбосари:

— Президентимизнинг «Ўзбе-
кистон Республикасининг давлат
ва ижтимоий қурилишида хо-
тин-қизларнинг ролини ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги
Фармониға биноан Республика
Хотин-қизлар кўмитаси раисига
Бош вазир ўринбосари, вилоят,
шаҳар, туман хотин-қизлар
кўмиталари раисларига ҳоким
ўринбосари мақомлари берил-
гани ҳам уларнинг давлат бош-
қарувида роли тобора ошиб бо-
раётганини билдиради.

Барчамизга маълумки, мам-
лакатимиз тарихида илк бор
икки палатали парламент учун
сайловлар бўлиб ўтди. Унда
номзодларнинг 30 фоиздан
ошиғи, яъни, 159 нафар аёл
Олий Мажлисга депутатлик ман-
саби учун кураш олиб борди ва
шундан 21 нафари сайловларда
ғолиб чиқиб, бугун парламент-
нинг Кўйи палатаси кўмиталари
ҳамда комиссияларида фаолият
олиб бормоқда. Олий Мажлис
Юқори палатаси — Сенат аъзо-
ларининг ҳам 15 нафари хотин-
қизлардир.

Бир сўз билан айтганда, сай-
ловлар натижаси шуни кўрсат-
дики, хотин-қизлар давлат ва
жамият манфаатлари йўлида да-
длий ҳаракат қилмоқдалар. Зеро,
мамлакатимизнинг энг юқори
органи — Олий Мажлис Қонун-

чилик палатаси Спикери ва Се-
нат раиси ўринбосарлари лаво-
зимларига хотин-қизларнинг
тайинлиниши — қонун яратув-
чилик жараёнида ҳам аёл-
ларимиз фаоллиги юқорилиги-
дан далолатдир.

Бироқ, ҳали баъзи жабҳалар-
да хотин-қизларимизнинг сиё-
сий-ҳуқуқий онги етарли дара-
жада эмаслиги боис ташаббус-
корлик, фидоийлик етишмаган
ҳоллардан ҳам кўз юмолмаймиз.
Биз келгусида улар фаолияти-
даги ана шундай «кемтик»лар
тўлиб боришидан ва бўлажак
сайловларда уларнинг сони яна-
да ошишидан умидворимиз...

Дилором Тошмуҳамедова,
Олий Мажлис Қонунчилик па-
латаси депутати, «Адолат» СДП
фракцияси раҳбари:

— Азал-азалдан мамлакат куч-
қудрати, тараққиёти ва келажа-
ғи ўша юртда хотин-қизларга
яратилган шарт-шароит ҳамда
уларга кўрсатилган ғамхўрликка
кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган.
Чунки фарзанд тарбияси ва ка-
молотида, оила ҳамда жамият-
ни идора қилишда, миллат бар-
қамоллиги ва салоҳиятини мус-
таҳкамлашда оналар ва аёллар-
нинг ўрни беқиёс.

Шу маънода, партияимизнинг
Фаолият дастурида аёлларни
жамиятда кечаятган ижтимоий-
сиёсий, иқтисодий, маънавий-
маърифий ислохотлар жараёни-
га кенг жалб этиш — асосий
йўналишлардан бири қилиб бел-
гиланган. Чунончи, барча дара-


жадаги ҳокимият органларига
аёллар учун 30 фоизлик квота
жорий этиш назарда тутилган.
Бу борада ҳукуватимиз томони-
дан ҳам бир қатор фармон ва
қарорлар қабул қилинган.

Айни пайтда партияимиз саф-
ларида аёллар сонининг кўпли-
ги Фаолият дастуридаги мақсад
ва вазифаларини ҳаётга тадбиқ
қилишда уларга жуда катта
масъулият юклайди. Яқинда
«Адолат» СДПнинг Тошкент ша-
ҳар хотин-қизлар Кенгаши таъ-
кил этилди. Бу соҳадаги иш-
ларимиз янада жонлангани учун
туртки бўлишига ишонаман.
Зеро, мазкур Кенгаш ўз олдига
аёллар ҳуқуқий онгини ошириш,
улар тушунчасида адолат мезон-
ларини шакллантириш, Ватанга
садоқат, меҳр-муруват туйғула-
рини ошириш, уларнинг ҳуқуқ
ва манфаатларини қатъий ҳимоя
қилиш, камситилишнинг ҳар кан-
дай кўринишларига барҳам бе-
риш ва бу борада фаол ишти-
рок этиш кўламлири доираси-
даги вазифаларни мақсад қилиб
қўйди.

Давра суҳбатида хотин-қиз-
ларнинг оиладаги, давлат ва
жамият ҳаётидаги макенини ку-
чайтириш, ҳамда сиёсий фаол-
лигини ошириш юзасидан аниқ
чора-тадбирлар белгиланди.
Йиғилишда сўзга чиққанлар бу
борада сиёсий партиялар бил-
лан ҳамкорлиқни янада ва мут-
тасил кенгайтириб бориш ло-
зимлигини алоҳида қайд этиб
ўтдилар.

Болалар спорти

Ёш спортчилар маҳорати ошмоқда



А. ХАЙДАРОВ олган сурат

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захи-
ралари спорт коллежиди мамлакатимизнинг тур-
ли вилоятларидан келган етти юз эллик нафар-
дан зиёд ўғил-қиз спортнинг йигирма тўрт тури
бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Ўзбекистон
жиҳати, коллеж спорт мажмуаларида нафақат
ўшбу ўқув муассасида таълим олаётган ўқувчи-
лар, балки пойтахтимизнинг Чилонзор, Учтепа,
Шайхонтоҳур туманлари маҳаллаларидан юзлаб
ёшлар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шу-
гулланиб келишяпти. Жумладан, мураббий Дил-
фуза Раҳматова раҳбарлик қилаётган дзюдо тўға-
раги машғулотларида ҳозирда олтимишга яқин
ўғил-қиз катнашмоқда.

— Ўзим асли Қашқадарё вилоятининг Косон
шаҳриданман, — дейди у. — 1999-2002 йилларда
шу коллежда таҳсил олганман. Ўз вазн тоифам

бўйича бир неча карра мамлакат чемпиони, Тур-
кия, Жанубий Корея сингари давлатларда уюшти-
рилган халқаро турнирларда совриндор бўлган-
ман. Ҳозир Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия
институтининг тўртинчи курсида ўқиш билан бир-
галикда мураббийлик қилаялман.

Ёш мураббий ўз шоғирдлари хатти-ҳаракати-
дан мамнун. Унинг эндиғина ўн-ўн икки ёшга
тўлган Нуриддин Сайдуллаев, Азиз Убайдуллаев,
Сардор Муродов, Абдор Қўчқоров сингари ёш
дзюдочилардан умиди катта. Чунки бу ёшлар
мураббий Дилфуза Раҳматова мураббийлигида
болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган
қатор мусобақаларда муносиб иштирок этиб ке-
лишяпти.

Суратда: мураббий Дилфуза Раҳматова маш-
ғулот пайтида.

Партия кўзгуси

Ижрокўм йиғилиши

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Иж-
роия кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб
ўтди. Унга партия Сиёсий Кенгаши биринчи коти-
би, фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова
раислик қилди.

Кун тартибидидаги биринчи масала — партия Кен-
гашлари ва ташкилотларининг фаолиятини янада
жонлантириш, бадаллар йиғилиши тартибига солиш
тўғрисида Дилором Тошмуҳамедова маъруза
қилди. У ўз сўзида жойларда кўпроқ йиғилишлар
ўтказиш, келгуси сайловга аъзолар сонини кўпай-
тириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек,
нотик ўз сўзида Тошкент шаҳар партия Кенгаши
фаолиятининг сустлигига тўхталиб, унинг фаолият-
ини тубдан ўзгартириш борасида тегишли тавси-

яларни бериб ўтди.

Сиёсий Кенгаш котиби Равшан Хайдаров жой-
ларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш-
ни, шу мақсадда турли учрашувлар ўтказиш, ўқув
семинарлари ташкил қилиш, электротат билан ало-
қани кучайтириш, кадрлар танлаш, уларнинг захи-
расини шакллантириш, хотин-қизлар ва ёшлар ўрта-
сидаги ишларни жонлантириш каби муҳим маса-
лаларга Ижрокўм аъзолари эътиборини қаратди.

Музокараларда сўз олган Талъат Муродов, Нур-
шод Ғиёсов, Хайрулла Мўминов, Феруза Йўлдо-
шева, Умида Файзиева ва бошқалар кун тартиби-
даги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари-
ни билдиришди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилиш сўнггида Ижро-
кўмининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қарор ва ижро

Мавсум яқин. Техника шайми?

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири



ситаларидан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг шу йил 14 февралда қабул
қилинган «2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
жўяси ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг
муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарориди баҳорги дала
юмушларини ўтказиш учун зарур бўлган қишлоқ ҳўжалик техникасини
15 мартгача, галла ўриш-йиғиш комбайнлари ва бошқа воситаларни
эса 1 майгача тайёрлаб қўйиш вазифаси белгиланди.

«Ўзагрошсервис» уюшмасидан ЎЗА мухбирига маълум қилиш-
ларича, қишлоқ ҳўжалик техникасини мавсумга ҳозирлаш борасидаги
ишларга бу йил ҳар қанчонгидан эрта киришилган. Шу мақсадда жой-
ларга қарийб ўн минг шина, икки юзга яқин дизель двигатели ҳамда
9,6 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Натижада қўлланми дала юмушларида фойдаланиладиган барча
механизация воситаларини ишга барвақт тайёрлаш имкони яратилди.
Ҳозирги кунда ҳар бир машина-ускуна мутахассислар, «Ўздавтехназо-
рат» инспекцияси вакиллари назоратидан ўтказилиб, мувофиқлик сер-
тификати олаётди. Айни вақтда фермерлар ихтиёридаги ана шундай
воситалар ҳам кўриб чиқилиб, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлан-
япти.


Бу йилги дехқончилик мавсумига қарийб етти мингта занжирли
ҳайдов, ўн саккиз мингтадан кўпроқ «Магнум», «МХ» трактори, йигирма
олти мингтадан ортик культиватор ва кўплаб бошқа техника воситалари
жалб этилади. Чигит экишда 14 минг тўққиз юзга яқин сепкадан
фойдаланилади. Шунинг 4 минг 321 таси уруғни плёнка остига экади-
ган агрегатлардир.

Айни пайтда галла комбайнларини ўрим-йиғимга сошлаш ишлари
ҳам жадал давом этапти. Бу йилги мавсумга уч ярим мингта яқин
комбайн сафарбар этилади.

«Иш қуролинг бўлса соз, машаққатинг бўлар оз». Техникани мав-
сумга сошлашда дехқонларимиз ана шу ақидага амал қилмоқдаларки,
бу ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Мулоҳаза

Китобхонлик урфдан қолмайди



М.АБДУГАНИЕВ,
Балиқчи тумани

Инсоният тамаддунида ки-
тобхонлик ўрни беқиёс. Биз шу
қўнғача нималарга эришган
бўлсак, буларнинг барчасида,
албатта, китобхонлик улуши бор.
Буюк алломалар ўзларига
етиб келган китобларни муро-
лаа қилиш орқали онгу шуурни
лол қолдирган кашфиётларни
яратиб биз.

Хўш, биз бугун китоб ўқия-
мизми? Ҳа, дея жавоб беришга
уяласан киши. Ақалли, бундан
15-20 йил олдингидек даражада
ҳам китоб ўқиётганимиз йўқ, на-
заримда. Шу ўринда «нега шун-
дай?» деган савол тўғрилиш шуб-
ҳасиз. Наҳотки, «Минг бир ке-
ча»ни, «Қалила ва Димна»ни,
«Шоҳнома»ни, «Бўстон»ни, «Гули-
стон»ни муролаа қилиб, шулар-
дан завқу шавқ олиб келган
халқнинг болалари бугун китоб-
лардан айро тушган бўлсак? Ўша

катагон йилларида ҳам «Ўтган
кунлар», «Меҳробдан чаён»,
«Кеча ва кундуз» каби ўқиш ту-
гул номини зикр этиш ҳам жи-
ноят саналган китобларни яши-
ринча муролаа қилган одамлар-
нинг фарзандлари бўла туриб
бугун китоб ўқишга вақт топа
олмаётган бўлсак?

Шу ўринда ёдимга бундан
кирк йил олдинги бир воқеа
тушди. Мактабнинг бошланғич
синфларида ўқиётган пайтлари-
миз эди. Кичкинагина қишлоғи-
мизда биттагина кундалик эҳти-
ёж моллари дўкони бўлиб, унинг
бир бурчагида бадий китоблар
ҳам бўлар эди. Бу китоблар ора-
сида ўша йилларда янги нашр
этилган «Минг бир кеча»нинг
жилдлари турарди. Ҳозиргидек
баҳор нафаси уфуро бошлаган
пайтларда ҳамқишлоқларимиз
офтобчовоққа кўр тўкишиб, ки-
тобхонлик қилишарди.
(Давоми 3-бетда.)

Депутатлар сайловчилар ҳузурида

Д. ЖОЗИЛОВ,
«Адолат» мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилоят Кен-
гаши ва Фарғона шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар
кўмитаси билан ҳамкорликда «Ҳомийлик — хал-
қимизга хос ғазилат» мавзусида давра суҳбати
ўтказилди. Унда партия фаоллари, соғлиқни сақ-
лаш ходимлари, маҳалла кўмиталари вакиллари
иштирок этди.

Йиғилишда Ҳомийлар ва шифокорлар йили
муносабати билан ишлаб чиқилган Дастур ва
унинг мазмун-моҳияти, юртимизда тиббиёт со-
ҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, она-
лар ва болалар саломатлигини асраш борасида
амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар му-
ҳокама этилди.

Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси
аъзоси Юсуфжон Нишонов сўзга чиқиб, ҳукума-
тимиз томонидан тиббиёт соҳасига муҳим эъти-
бор қаратилаётгани инсон саломатлигини асраш
йўлида хизмат қилаётгани алоҳида таъкидлаб
ўтди.

Жорий йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар
йили» деб номланиши ўтган «Сихат-саломатлик

йили»нинг узвий давоми бўлди, — деди нотик ўз
сўзида. — Бу аҳолининг кам таъминланган қат-
ламлари манфаатларини ҳимоялаш, юртимизда
ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш каби эзгу
мақсадларга хизмат қилади.

Мамнуният билан айтиш мумкинки, вилоятда
инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли
касалликларнинг олдини олиш, аҳолига малақа-
ли тиббий хизмат кўрсатиш борасида талайгина
ишлар амалга оширилди. Жаҳон тараққиёт бан-
ки кредит маблағи ҳисобига кўплаб қишлоқ вра-
члик пунктлари замонавий тиббий асбоб-анжом-
лар билан жиҳозланди.

Шундан сўнг «Адолат» СДП вилоят Кенгаши
биринчи котиби Т.Мирзашарипов йиғилиш қат-
нашчиларини партия Низомининг янги таҳрири
ҳамда 2006-2009 йилларга мўлжалланган Фао-
лият дастури билан таништирди. Вилоятда партия
Кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар
ҳамда ўтказилаётган тадбирларда фаолларнинг
беминанат хайрия ишлари тўғрисида гапириб ўтди.
Вилоят тиббиёт академияси устоз ва талаба-
лари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам
ана шу долзарб масалаларга алоҳида эътибор
қаратилди.
(Давоми 2-бетда.)



Депутатлар сайловчилар ҳузурда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳалқимиз фаровонлиги, турмуш тарзини яхшилашга, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда. Айниқса, республикаимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хонадонларини газлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шу билан бирга жойларда ислохотларнинг жаддалашувига жиддий тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ҳамон учраб турибди. Бунга кўп ҳолларда мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Уларни бартараф этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг ташаббускорлиги ва фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Яқинда 78-Тўйгепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Исмоил Саифназаров Урта Чирчиқ туманидаги ўз сайловчилари билан учрашув ўтказди. У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Адолат" СДП фракциясининг қонунчилик соҳасида олиб бораётган фаолияти ҳақида сайловчиларга батафсил гапириб берди.

— Бизнинг кўмитамиз республикаимизга чет эл инвестицияларини олиб кириш, шу асосда ишлаб чиқаришни янги технологиялар билан жиҳозлаш, қўшимча иш ўринларини яратишга асосий эътиборни қаратган, — деди у ўз сўзида. — Жумладан партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқ бўлган қонун ва қарорларни ишлаб чиқишда фаол қатнашиб келмоқда. Жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратаётимиз. Бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳали талайгина.

Шундан сўнг сайловчилар билан жонли мулоқот бошланди.

— Мен ҳудудимизда юзага келган газ муаммосини бир неча бор кўтардим, — дейди "Уртасарой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Шоюнжусова. — Лекин силҳи сезилмапти. Мутасаддилар турли баҳоналар билан ўзларини жавобгарликдан олиб қочишади. Совуқ кунларда хонадонларимизда газ бўлмади, боз устига электр энергиясида ҳам тез-тез ўзилишлар содир бўлмоқда. Оқибатда қиш мавсумида ҳудудимиздаги 5 та мактаб ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлди.

— Бизнинг ҳўжалигимиз қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда барча кўрсаткичларни ортиги билан бажариб келсада негадир оддийгина газ муаммосини ҳал этишда мутасаддилар бош қотиришмапти, — дейди маҳалла фаоли М.Абдиев.

— Овулимизни қийнаб келаётган муаммолардан бири ишсизликдир, — дейди С.Керимбаев. — Кўпгина ёшларимиз бунинг оқибатида ноҳўя йўлларга кириб кетишмоқда. Менимча ушбу масалани ҳам ҳал этиш вақти келди.

Йиғилиш сўнида кўтарилган муаммоларни қонун доирасида ҳал этишга келишиб олинди.

"Адолат" СДП Хоразм вилоят Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурини амалга оширишда партия фаолиятининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз борди. Вилоят партия Кенгаши котиби М.Искандарова бу ҳақда

батафсил тўхталиб ўтди.

Музокараларда сўзга чиққан Ҳазорасп туман партия Кенгаши биринчи котиби А.Худойкулов бу йил ҳомийлик масалаларида фермерлар кўмағига таяниш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишни тақдир қилди. Хонқа туман партия Кенгаши биринчи котиби О. Отажонов эса ҳомийлик ўзбек халқига хос фазилат эканлигини таъкидлаб, ногиронлар, кам таъминланган партия аъзоларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда 500 минг сўмлик хайрия ишларини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

Кун тартибидagi гадаги масала юзасидан вилоят Кенгашининг биринчи котиби Нурмат Эшметов сўзга чиқди. У ўтган йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталиб, сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди.

— Вилоятда шахар, туман партия Кенгашлари шакллантирилиб, мавжуд муаммолар маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда бартараф этилмоқда, — деди нотиқ ўз сўзида. — Бугунги кунда кўпчилик туманларда партия Кенгашлари фаолият қўрсатаётганлигини ва улар бизнинг асосий таъиниши эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пленумда Янгибозор туман партия Кенгаши фаолияти қониклари деб баҳоланди. Хонқа, Богот туман Кенгашлари йиллик натижаларига танқидий фикр билдирилиб, келгусида ишни янада жонлантириш борасида аниқ тақдирлар берилди. Бундан ташқари, 2006 йилда вилоят Кенгаши олдида турган вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Партия сафларини сон ва сифат жиҳатдан кенгайтириш, бадаллар йиғини йўлга қўйишга асосий эътибор қаратилди.



— Одам қаригандан кейин шифокорларга кўп иши тушадиган бўлиб қолар экан. Мен ҳам ҳар йили бир-икки марта бу ерга келиб, соғлигимни тиклаб кетаман. Бош шифокор раҳбарлигида туманимиз тиббиёт тизимида катта ишлар амалга ошириляпти. Шифокор ва ҳамширалар беморларга чин дилдан эътибор қаратишади, касалин-гизни фақат дори-дармон билан эмас, балки ширин сўзлари билан ҳам даволашади. Мен ва бошқа кексалар эл дарди билан яшайдиган бундай жонқуяр шифокорларни ҳамиша дуо қиламиз.

Дарҳақиқат, биз суҳбатда бўлган беморлар туман тиббиёт ходимлари хизматидан мамнун эканликларини таъкидлашди. Демак, шерободлик тиббиётчилар элнинг дуоси ва олқишини олишмоқда. Эл олқишини олганларнинг эса ҳамиша юзи ёруғ, йўли равон бўлади...



Тўлқин ТЕМИРОВ, "Адолат" мухбири

2006 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб номланадиган бир олам маъно муҳасам. Бинобарин, бу йил ҳомийлар ердамида мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида хайрли ўзгаришлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Хўш, бу борада жойларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Биз шу савол билан Шеробод туман марказий шифохонаси бош шифокори Бобомурод Бўроновга мурожаат қилдик.

— Мутасаддилар шарофати туфайли бугунги кунда туманимизда 5 та замонавий шифохона, 1 та поликлиника, 11 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та қишлоқ участка шифохонаси, 1

та тез ёрдам маркази ва унинг жойлардаги 5 та шохобчаси, 1 та ДСЭНМ, 2 та дорихона, 45 та ФДП фаолият юритмоқда. Уларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун 370 та шифо ўринлари мавжуд — дейди бош шифокор. — Айниқса, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, қишлоқ аҳолисига жойларда юқори тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Шунинг натижасида кейинги йилларда туманимиз ҳудудига 7 та янги, замонавий тиббиёт КВП қурилди. 4 та амбулатория қайта таъмирланиб, замонавий врачлик пунктларига айлантирилди. Бу йил, яъни Ҳомийлар ва шифокорлар йилида яна 12 та янги КВП қуриш ҳамда 8 та врачлик амбулаториясини қишлоқ врачлик пунктларига айлантириш режалаштирилган. Бу савобли ишларни амалга оширишда эса, албатта, танти ҳомийларнинг ёрдами билан амалга оширилади.

Бош шифокор билан хайрлашиб чиқар эканмиз, шифохона ҳовлисида Бойсун Турдиев исмли отахон билан гурунглашиб қолдик:

Луқма

Танловми, манфаат?!

Худойберди УЛУФМУРОВО

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги Корпоратив бошқарув марказида катта анжуман бўлиб ўтди. Унда Давлат улушларини ишончли бошқарувчилар, профессионал бошқарув компаниялари раҳбарлари, акциядорлик ва масъулият чекланган жамиятларнинг қўзғатув кенгашлари раислари қатнашди. Қизиги шундаки, анжуманда кун тартибига киритилмаган масала — Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан ўтказилган ягона матбуот органи танлови ҳамда унинг акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсири борасидаги масала ҳам муҳокама этилди. Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 26 январида Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази қимматли қўғозлар бозори қатнашчилари ва эмитентлар учун жамиятларнинг муҳим маълумотлари тўғрисидаги эълонларни чоп этиш учун ягона нашр "танлови"ни ўтказиб, гайриқонуний хатти-ҳаракати билан оммавий ахборот воситаларида монополия ўрнатилишига йўл очиб берган эди.

Маълумки, эркин бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган айти пайтда мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан назорат органи

ларининг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувини кескин қаматиришга катта аҳамият берилмоқда. Мақсад — ҳар бир ҳўжалик тузилмаси ўз бизнес режасига мувофиқ, мавжуд қонунчилик доирасида иш тутиб, у ерда меҳнат қилаётган жамоа аҳлининг бандлиги ва ҳаёт тарзи яхшиланишига хизмат қилса, даромадига яраша солигини тўлашса, шунинг ўзи кифоя. Ана шу эътиборнинг самараси ўлароқ, ҳўжалик юритувчи субъектлар текширувлар, фаолиятига худабехуда аралашувлар қаматётганидан қувонмоқда. Бирок...

— Ҳар бир акциядорлик жамияти эълон ва мақолаларни қайси нашрда чоп этади, ўзи хал қилади, буни фалон газетга берасан, дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — дейди Банк-молгия академиясининг инвестициявий лойиҳалар кафедраси мудири Михаил Хамидуллин. — Ундан ташқари, қорхона эълон беришда ўз акциядорларининг географиясини ҳам инобатга олиши табиий ҳол, деб ўйлайман. Чунки, дейлик, Қўргонтепа туманидаги акциядорлик жамияти аъзолари турган гапки, Андижон вилоятида истиқомат қилишади. Қорхона ўз эълонини "БВВ"да бериш учун пойтахтга келиб, ортиқча харажат сарфлаши унга қўшимча ташвиш эмасми?

— Бизнинг қорхонамизга ҳам "БВВ"га эълон бериш шартлиги оид кўрсатма келди, — дейди "Геобуртехника" акциядорлик жамиятининг қўзғатув кенгаши раиси М.Абдуқоди

ров. — Ўз-ўзидан равшанки, бундай кўрсатма қорхона жамоасининг хоҳиш-иродасини қамситидади. Қолаверса, ҳар бир жамоа қайси газетга обуна бўлиш ёки эълон беришини ўзи хал қилиши лозим.

Яна бир қизиқ ҳолат. Ўтган ҳафта Тошкент вилоят ҳокимлигида қорхоналарни корпоратив бошқарув механизмини ривожлантириш ва хўсусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган анжуманда ҳам Марказ томонидан ҳар бир иштирокчига бир варақдан қўғоз тарқатилди. Қўрсак, бу Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг ўша ягона матбуот органи "Ғолиби" — "БВВ"га ҳар бир қорхонанинг обуна бўлиши ва ўз эълонларини шу нашрда чоп этиши мажбурий экани тўғрисида оғохлантириш экан. Анжуманда мазкур Марказнинг вилоят ўлими раҳбари иштирокчиларга очик-ойдин бўлиб нашрга обуна бўлишни уқтирди. Эҳтимол, бошқа вилоятларда ҳам "ягона матбуот органи" ташвиш қоти ўтказилаётгандир. Нима бўлганда ҳам матбуот соҳасида соғлом рақобат муҳити шаклланиган айти пайтда муайян бир газетанинг монополиястик маъкеини тиклашга уриниш кимга моддий манфаат беради, афсуски, ҳозирча ҳеч ким буни билолмапти. Балки, бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идорлари қизиқиб кўрар?

Истиқлол бадиалари

Наманган нозимлари

Барот БОЙҚОБИЛОВ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

"Анал ҳақ" арабчада "мен ҳам худоман" деган маънони англатади, "худо менинг қалбимда, мен худо билан бирикки кетганман, демак, мен ҳам худоман, илоҳийман" дегувчи, худонинг номидан сўз айтувчиларнинг қисмати аянчи кечган. Бундай "анал ҳақ"чилардан Мансур Халлоқ, Шайх Боязид Бастомий, Имомиддин Насимий, Бобораҳим Машраб қисмати барчага аён, худо йўлидаги "ишқ" уларни шу қўйга солди. Бу ҳақда Машрабнинг ўзи шундай ёзади:

Еши етимишга етиб соттурди ўзни Боязид,
Машрафат бозориди, кўргил, на савдо қилди ишқ.
Шайх библий, Шайх Аттору аналҳақ суҳбатин,
Қурди ичди бодани, Мансурни дорда қилди ишқ.
Қуфр айтинг деб Насимий терисини сўйдилар,
Гўшту пўстин сўзлатиб, оламга гўё қилди ишқ.
Навоийни ҳам мажнун қилиб сўзлатган, йиғлаган шу "ишқ" эмасми? Худди шу ўринда Навоий, Насимий, Машраб пирикисидида фалсафий кесилушни алоҳида солиштирган ҳолда тадқиқ қилиш лозимга ўхшаб қўринади. Ҳатто Навоийнинг "Лисон ут-тайр"идаги Шайх Санъон қисмати қайси бир жиҳатлари билан Машраб севгиси тақдирини эслатади.

Шарқ адабиётида, шеърлатида муҳаббат ва май, ёр ва бода мавзуси энг кўп қаламга олинган мавзулардан, булар ҳақида ёзмаган шоир йўқ. Ҳазрат Алишер Навоий машҳур "Келмади" радибли газалида, ваъдасида турмай, келмаган "сарву гулру" ҳажрида аҳо чекки:

Эй-Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгул уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайгу келмади —
деса, яна бир газалига "Ҳақон гамини олувчи" май ҳақида юқоридаги шох байтдагидан-да ўткирроқ сўз юратади:

Ҳақон гамин чун олур, бер қадаҳни, эй соқий,
Олурман икки ҳақон мулкига баҳо қилсанг!
Энди Машрабнинг қуйидаги машҳур байтларини эслайлик:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?!

Ураймиз бошимиз саккиз беҳишту дўзахни,
Бўлмаса васпи менга икки ҳажонни на қилай?!

Ёки унинг мана бу байтларига эътибор беринг.
Ишқ сурасидин гар ўқусан сура баякбор,
Бешубҳа, билинг, ояти қуръон чидеълмас...

Ишқ йўлида ул зоҳид ошикқа қилур таъна,
Бир ўқ билла зоҳидни отиб йўқотай дерман!
Бундай шеърларни битган шоирни мутаассиб диндорлар, хуфротга берилган зоҳидлар тинч кўяр-

миди? Оқибатда 1711 йилда Машраб улар фатвоси билан Балх ва Қўндўз вилоятлари ҳукмдори Маҳмуд Қатагон томонидан дорга осиб ўлдирилди.

Та саввуфий шеърлатида ёр борази кўпроқ "худо", "оллох" ўрнида ишлатилса, май, бода эса гам-аламлардан

фориг қилувчи восита сифатида қўлланилган. Даҳо шоиримиз Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асаридида май ва уни ичиш ҳақида шундай ҳикматли сўзларни ёзади: "Май ичмак наҳий эрур тенгри қавли, ҳар ҳол билла анинг тарки овли. Ошқор ва кўп ичмаги носоз шарти маҳфий ичмақдур ва оз-оз ичмаги ҳикматга дол, маҳфий ичмаги ҳуш ахлига ҳисол. Яхши ичмак хилқабга солим, элга ҳол, муллоқ ичмаги орийатга маол". Худди шундай фикрни қомусий олим, тибк илмининг отаси Абу Али ибн Сино ҳам "озин - тарек, қўли - захри мор", деган.

Шарқ шеърлатида "сахли мумтане" деган шеър усул, бадий восита мавжуд. Бу дегани осону, лекин мумкин эмас, деган маънони англатади. Машраб шеърлати бунга мисол була олади. Унинг газаллари низоҳатда равон ва содда бўлиши билан бирга, ўзида олам-жаҳон маънони мужассамлаштирган. Шунинг учун ҳам юртимизда Машраб газалларини қўлламаган бирон-бир ҳофизни, Машраб газалини билмаган, берилиб тингламаган бирон-бир ўзбекни топиш қийин. Машраб "Қоним билан, эй жонон, оламни бўйи дерман", дея нола чекиб, ошик ахлининг юрагини аллақачон эгаллаб бўлган. У ошикнинг юрагидида гапни топиб айтган, айтганда ҳам юракдан берилиб айтган.

Ошикнинг ҳолатини, юрагини ким яна Машрабдек айтиши мумкин? Ҳеч ким! Бу Намангандан чиққан, "Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар қилиш борму?" дея фўғону нопагар чекан Машрабимиз. У, аввало, шеърсевар халқимиз юрагидан жой олган, покиза юракларга жо бўлган, унинг абадийлиги ҳам ана шунда. У тўрт асри, ўз номини, ўз севгисини инсонлар юрагига жойлаштириб кетган.

Мустақиллик даврида Машраб ҳазратларининг барҳаёт руҳлари шод этилиб, Наманган шаҳрида шоирнинг муаззам ҳайкали ўрнатилди, асарлари эса мунтазам чоп қилинмоқда. Адиб Шўҳратнинг эса босилмай ётган "Машраб" рўмони нашр қилинди.

(Давоми бор.)

Эътироз

Холислик мезони бузилса...

Тахрират

"Адолат" газетасининг 2005 йил 23 сентябрь (№ 39) сонидида журналист Муҳаммаджон Аҳмедовнинг "Қамчиликка барҳам бериш шикоятини ишдан бўшатишдан афзал эмасми?" сарлавҳали танқидий мақоласи чоп этилган эди. Унда Богдод тумани халқ таълими бўлими фаолиятидаги айрим ноқонуний хатти-ҳаракатлар тилга олинди, тумандаги 30-мактаб илмий бўлим мудариси Раъно Имомованинг ноҳақ ишдан бўшатилиши ҳамда унинг соҳадаги кўзбўямачилик, ўзлаштиришлар, сохталаштириш ва қариндош-уруғчиликлар ҳақида мутассил ёзган шикоят аризалари хусусида сўз юритилган.

Мақола чоп этилгандан сўнг ўтган давр мубайнида тахриратга туман халқ таълими бўлими мутасаддилари, фахрийлар мурожаат этиб, келтирилган далил ва ҳулосалар ҳақиқатдан йироқ эканлигини, танқид қилинган туман халқ таълими бўлими мудариси Д. Юсупова фаолиятига ноҳолис баҳо берилганини айтишди. Ўз навбатида тахрират бундай мурожаатларга бейътибор қарамади, ҳолис ва ҳаққоний ахволини ўрганиш учун зарур чора-тадбирларни кўрди. Хусусан, тахрират ходимининг туман ХТБда журналист текширувини ўтказгани, ХТБ вакиллари билан учрашувлар, расмий сўров-жавоб хатлари шулар жумласидан.

Маълум бўлишича, ҳақиқатдан ҳам туман халқ таълими бўлими мудариси Д.Юсуповага нисбатан мақолада бироз ноҳолис ёндашилган. Буни фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг ажримини ҳам тўла тасдиқлади. Чунончи, Р.Имомова ишга тикланиш, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида иккинчи марта фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига мурожаат этади. И.Ҳайтов раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида Р.Имомованинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, унинг фўйдасига жавобгар ХТБ мудариси Д.Юсуповадан 64797 сўм

моддий ва 20000 сўм маънавий зарар ундирилиб, ишга тиклаш тўғрисида хал қилув қарори чиқади. Бу қарор умуман ҳақиқатдан йироқ эканлиги, далил ва фактларга асосланмаганлиги учун Богдод туман прокуратураси фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят судига апелляция бўлими тўғрисида қўриқлади. Апелляция инстанцияси Богдод туман прокуратураси туман ХТБ методисти А.Бекмурзаев 2002-2003 йиллар давомида 30-мактабда бирор соат дарс ўтмаган бўлишига қарамай, Р.Имомова тузган ва имзолаган ҳақ тўлов рўйхатида асосан 73539 сўм давлат бюджетига маблағи ўзлаштирилганлиги туфайли унинг устидан жиноий иш қўзғатилганлиги, бироқ "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Президент Фармонида асосан жиноий жазодан озод қилинганлигини ҳужжат ва далиллар асосида тўла исботлади. Шунинг учун суд Р.Имомова ўз мансаб ваколатини суъистемол қилиб, бюджет маблағини ўзлаштириши, бунинг учун туман халқ таълими уни ўз лавозимидан бўшатиб, мутахассислиги бўйича ўқитувчи вазифасига ўтказишда тўғри ҳулосага келганлигини аниқлади, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро суди судьяси И.Ҳайитовнинг Р.Имомова фўйдасига чиқарган хал қилув қарорини бекор қилди.

Адолат, ҳақиқат эгилдида, лекин синмайди деганлари ҳақ гап. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етуқ, билимни бўлиб воғга етишида вилоят халқ таълими соҳасида кўпчиликка ибрат бўлиб келаётган, қатор фахрий ёрлик ва нашонлари соҳибаси туман халқ таълими бўлими мудариси Д.Юсупова ва фан, таълим фахрийлари бунга иқдор бўлишди. Шунча асаббўзарлик, ортиқча югур-югур, юқори идораларга тўхматан шикоятлар ёзиб но-соғлом муҳитни юзага келтиришга уринган Р.Имомовага қонуний

чора қўришни, етказилган маънавий зарарни ундиришни сўраб Д.Юсупова фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига даъво ариза киритди. Суд ишдаги ҳужжатлар ва далиллар асосида туман халқ таълими бўлими мудариси Д.Юсупова фойдасига жавобгар Р.Имомовадан 50 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Зор, шундан кейин Р.Имомова туман халқ таълими бўлимида фидокорона ишлаётганларни тинч қўйса...

Мақолада айтилгандек, Р.Имомова туман ХТБдаги жиддий қамчиликлар ҳақида юқори ва тегишли ташкилотларга устма-уст ёзиб, фўш қилгани учун эмас, балки мансаб ваколатини суъистемол қилгани, жиноий қилмиш содир этгани учун туман халқ таълими бўлими томонидан қонуний эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Қолаверса, туман ХТБ мудариси Д.Юсуповани беобрў қилиш мақсадида газетда чоп этилган мазкур мақолани кўп нусхада ксерокопиядан чиқарилиб тарқатилганлиги бизни таажжубга солди. Энди, бу ҳаракат кимга ва нима учун керак бўлганлигини англаб олиш қийин эмас. Ахир, кимнинг қандай инсон эканлигини у билан бир жамоада ишлаётган ҳамкасблари, айниқса фарзандларини яхши таълим олишини истаганлар яхши билади-ку.

Газета — халқ минбари, унда чоп этилган ҳар бир мақола эл назариди. Шунинг учун журналист мақола ёзганда ҳар икки томоннинг фикрини ўрганиши, далил ва фактлар тўплаши лозим. Буни, мақола чоп этилгандан сўнг орадан уч-тўрт ой вақт ўтиб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят судининг ажримидан ҳам англаб бўлади. Йўқса, юқоридидаги каби бир ёқламлик билан ёзилган ноҳолис мақола бутун бир жамоани масъулиятли вазифасидан қалғитиб ортиқча сарсонгарчилик, асаббўзарлик ва энг ёмони носоглом муҳитни вужудга келтириш ҳеч гап эмас.



Фармон ва ижро

Қурилиш материаллари саноати юксалишда



Акмал НАЗАРОВ, УЗА муҳбири

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Илмом Каримов раҳнамолигида юртимиз кўркамлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида кўплаб қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Янги-янги мухташам бинолар, тиббий ва таълим муассасалари, спорт комплекслари фойдаланишга топширилди.

Қурилишлар кўлами кенг юрда, табиийки, бинокорлик материаллариغا эҳтиёж ҳам катта бўлади. Шу боис мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимиз Илмом Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган "Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз нафақат ўзимизда, балки хориж бозорларида ҳам харидордир, - дейди "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Акрамов. - Ўтган йил якунларига қўра, компания томонидан маҳсулот экспорти 2004 йилдагига нисбатан салкам 7 фоиз, умуман, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш эса 10,2 фоизга кўпайгани бунинг далилидир.

2005 йилда "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси таркибидagi қорхоналарга 25 миллиард сўмдан зиёдор сармоя киритилди. Бу соҳага хориж инвестициясини кенг жалб этишга қаратилган изчил тадбирларнинг самарасидир. Жумладан, Кувайт, Бельгия каби мамлакатларда юртимиз қурилиш материаллари саноатининг инвестицион тақ-

димоти ўтказилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда қурилиш материаллари саноатининг инвестицион салоҳияти тақдими талга бағишланган халқаро анжуманлар ташкил этилди. Унда 14 хорижий мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Октябрь ойи охирида Тошкентда "Цемент саноати ва бозор" мавзусида 5-Халқаро Марказий Осиё конференцияси ўтказилди. Тадбирда дунёдаги етакчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи компаниялар ва инвесторлар Ўзбекистоннинг цемент саноатидаги мавжуд имкониятлари ҳамда соҳа истиқболлари билан танишишга муяссар бўлдилар.

Жорий йил февралда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда қурилиш материаллари саноатини хорижий ишбилармонларга таништириш ва мазкур соҳага чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида ташкил этилган видеоконференцияда қатор қорхоналаримиз ўзининг инвестицион лойиҳаларини тақдим этди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу тадбирда мамлакатимизнинг Россия, Туркия ҳамда Бельгия давлатларидаги дипломатик ваколатхоналари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилиб, хорижий ишбилармонлар юртимизнинг қурилиш материаллари саноати билан боғлиқ барча саволларга мутахассисларимиз томонидан жавоб олдлар.

Таъкидламоқ лозимки, қурилиш материаллари саноатининг ривожланишини жадаллаштириш ва янги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида 2005-2010 йиллар давомида 125 инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилади. Ҳозирги кунда шулардан 63 таси бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Иқтисодий ночор қорхоналар фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар ҳам жадал давом этмоқда. Бу борада "Ўзбек-кровля", "Бухорогипс" очик акционерлик, "Кулол" акционерлик жамиятларида бажарилаётган ишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Аини пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги цемент ва гишт заводлари ҳам инвестиция киритиш мақсадида хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борилаёпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги "Қорхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниясига қарашли 8 қорхонага сифатни бошқариш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва сертификатлаш режалаштирилган. "Қизилқумцемент", "Кварц" ҳамда "Охангароншифер" очик акционерлик жамиятлари ISO 9001:2000 халқаро сифат сертификатини олишга муваффақ бўлди.

Шуни айтиш жоизки, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси мамлакатимизда янги турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма қорхоналарни ҳам ўз таркибига бirlаштирмоқда. "Каст", "Осиё Гранит", "Fardo Fen" ва "AND POLIC" қўшма қорхоналари шулар жумласидандир.

Юртимизда янги замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича ҳам истиқболли инвестицион тақдирлар ўртага ташланиб, бу борада 15 та лойиҳа тузилди ҳам. Жумладан, Фаргона, Қашқадарё ҳамда Бухоро вилоятларида хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда похолдан қурилиш плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бухоро вилоятида гипскартон плиталари тайёрлаш бўйича эса амалий тўхтама келинди. Шу қўнганча, республикамизда гипскартон ишлаб чиқараётган кичик қорхоналар Андижон, Навоий, Ангрен ҳамда Тошкент шаҳарларида фаолият юритаётган эди. Германиянинг "Кнауф" компанияси "Бухорогипс" акционерлик жамиятининг назорат акциялари пакетини харид қилгач, гипскартон тайёрлашга ихтисослашган ийрик заводни барпо этиш ишлари бошлаб юборгани эътиборга лойикдир.



Албатта, ўша йилларда китобни шарилла-тиб ўқийдиган саводлилар камроқ эди. Колхозда таъбиқчилик қилувчи Мамасоли исмли йигит бошқаларга қараганда саводхон бўлиб, китобни равои қўйгани учун уни ҳамма ҳурмат қиларди. Мамасоли ақанинг қораси кўринди дегунча кимдир дўқондан "Минг бир кеча"ни олиб чиқиб, ўқиш учун тахт қилиб турарди. Шундай қилиб, китобхонлик кеч тушгунча қадар давом этар, атрофга жимлик чўкиб, ҳамма эртақлар олами ичра гарк бўларди. Кейинроқ, ўзим бемалол китоб ўқийдиган бўлганимда дастлаб ўқиган китобим "Минг бир кеча" бўлган.

Уша пайтларда кутубхоналар ҳозиргидек сероб эмас, борлари ҳам узокда, ҳужалик идорасида жойлашган бўлиб, китоб ўқийман деган киши камида беш-олти километр йўл босиши керак эди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хўш, бугун-чи? Ҳар бир кишлоқнинг кутубхонаси бор. Қай бир маҳаллага борманг, уша ерга албатта, кутубхонага дуч келасиз. Кутубхоналар кўпу, бироқ китобхонлар йўқ. Шубҳасиз, мен мисол учун келтирган ўша йиллардан бери анча-мунча сувлар оқиб ўтди, замоналар ўзгарди, одамлар ҳам. Ҳозир телевизорсиз хонадон йўқ. Компьютер деганлари оддий бир мослама бўлиб қолди. Керак бўлган ҳамма янгилиги ахборотни шулардан хоҳлаганча олиш мумкин. Бир қараганда, китоб ўқиш ортқича бир ишдек туюлади. Китобга, уни ўқишга ҳафсаласизлиқни оқлайдиганлар ҳам кўп. Ана шундайларнинг наздида, гўё энди китоб ўқиш "мода"дан қолганимиз. Ҳамма нарсани зангори экран инсонларга керагича бераётганимиз. Компьютер ва интернет ҳаётга кириб келётган бир вақтда китоб варақлаш, ўқиш ортқича иш эмиш.

Эҳтимол, аниқ фанларга оид китоблар ҳусусида шундай дейиш мумкиндир. Аммо бу фикрга қўшилиш қийин. Аиникса, бадиий асар тўғрисида гап кетганда. Ҳеч қандай кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайд. Масалан, "Ўтган кунлар" романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг жозиба-сини беролмаган. Китоб бутунлай бошқа бир олам. Бундан ўттиз йиллар олдин ишланган фильм ҳали-ҳануз томошабинларни ҳаяжонга солади. Бироқ мен уни такрор-такрор кўрган

бўлсам-да, романи ўқиганимчалик завқ-шавқ, сурур ва ҳаяжон ололмаганман. Ҳарқалай, қўрган-эшитган бошқа-ю, ўқиган бошқа!

Айрим биродарларимиз боласига зарур дарслик ёки дафтар олиб беришга бўйни ер бермайди-ю, лекин улфатчиликка пул топади. Айтинг-чи, бундай одам китоб сотиб олишга пул ажратармиди? Кўпинча ишбилармонларимизни мактаб, фалон жойга дангиллама дўқон қурди ёки ҳашаматли ошхона тиклади, деймиз. Аммо улардан бирортаси янги китоб дўқонини ишга туширибди, деб эшитганимиз йўқ. Қўзқориндай кўпайиб бораётган дўқонларимизнинг учта ёки иккитадан биттасида арақ-вино сотилади. Ҳа, сармоядор ниманинг савдоси авжланиши билди.

Китоб ўқиган кишидан асло ёмонлик чиқмайди. Ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар ҳам ўша — китоб ўқимаслигининг аччиқ мевасидир. Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мурт қилди. Маънавият эса китоб ўқиш орқали инсонга юқади.

Яратилган ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради. Замон шиддати олдида аввалги қимматини йўқотади. Бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган аниқ ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди. Худди шунингдек китобхонлик ҳам асло урфдан қолмайди.


Сўраган эдингиз

Нафақа тўлови қачон бекор қилинади?

Фарзандим 2 ёшдан ошди. Ўзим ишлайман, менга боламни парвариш қилиш учун бериладиган нафақани тўламай қўйишди. Ушбу нафақа тўлови қандай ҳолларда бекор қилинади?

Д.Чориева,
Сурхондарё вилояти

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси



Молия ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиқларининг 2002 йил 18 февралдаги 588-35-сонли қарорлари билан тасдиқланган "Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тулгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 10-бандига мувофиқ ушбу нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- а) парвариш қилинаётган бола икки ёшга тулганда;
- б) бола ихтисослаштирилган муассаса (гўдақлар уйи)га тўлиқ давлат таъминоти билан жойлаштирилганда;
- в) бола вафот этганда;
- г) оила, бола билан биргаликда, доимий яшаш учун Республика ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи бундай ҳолатлар ҳақида нафақа олувчи шахс тўловни амалга ошираётган органи хабардор қилиши шарт.

Нафақа олувчи шахс вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганда еҳуд бола василиқдан олиб чиқилган ҳолларда нафақа амалда болани парваришгаётган шахсга ушбу нафақа тўланган сўнгги ойнинг кейингисидан бошлаб тайинланади.

Хориж хабарлари

Халонен қасамёд қабул қилди


Алишер Назаров

Финляндияда президентликка қайта сайланган Тарьи Халонен расман ўз вазифасига киришиш учун қасамёд қабул қилди. У январда ўтказилган президент сайловида галаба қозониб, яна олти йил мамлакатни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Эътиборлиси, Т.Халонен мамлакатга икки муддат раҳбарлик қилаётган илк аёл президент саналади.

Анъанага мувофиқ, президент мамлакат парламентида Бош қомусни қўлга олиб қасамёд қилди. Сўнгра олтий қонунчилик органи депутатлари олдида қиқш қилгандан кейин Т.Халонен шарафига фахрий қоровул саф тортиди.



Жорж Бушнинг сафари



Чоршанба куни АҚШ президенти Жорж Бушнинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига ташрифи бошланди.

Афғонистондан сафарини бошлаган Ж.Буш мамлакат раҳбари Ҳамид Карзай билан музокара олиб борди. Мулоқот чоғида икки давлат раҳбари Афғонистондаги бугунги вазият, "Ал-Қоида" жангариларига қарши кураш масалалари юзасидан фикрлашиб олган. Шундан сўнг у Қўбулда янги барпо этилган АҚШ элчихонасининг очилиш маросимида қатнашди. Баграм авиабазасида эса мазкур давлатда хизмат қилаётган АҚШлик аскарлар билан учрашди.

АҚШ раҳбари Хиндистонда мамлакат президенти ва бош вазир билан учрашиб, Миллий Кон-

гресс партияси раисаси Соня Ганди ҳамда муҳолиф партия етакчилари билан музокара ўтказди. Айтиш жоиз, аини пайтда жаҳон жамоатчилигини АҚШ ва Хиндистон ўртасида атом энергияси бўйича ўзаро ҳамкорлик битимининг имзолалиши қизиктирмоқда. Ж.Бушнинг Хиндистон сафарида Эроннинг ядровий дастури билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилиниши кўзда тутилган. Хиндистон атом энергияси бўйича халқаро агентлик - МАГАТЭ аъзоси саналади. АҚШ эса Хиндистонни шу йўл орқали Эрон масаласини БМТнинг Ҳавфсизлик Кенгашига тақдим этишни қўллаб-қувватлашга қачирини ниятида. Шунингдек, Ж.Бушнинг Хиндистондаги ташрифи чоғида 10 га яқин фазовий тадқиқотлар соҳасида ўзаро кооперациялашув, кишлоқ ҳўжалиги, биотехнологиялар ва соғлиқни сақлаш соҳалари бўйича ҳужжатлар имзоланиши кутилаетир.

Маълумотларга қўра, АҚШ раҳбарининг Афғонистон, Хиндистон ва Покистонга ташрифи қучли ҳавфсизлик чоралари остида амалга оширилмоқда.

Соатиға 360 километр


Японияда дунёдаги энг тезроар электр поезднинг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу темир йўл транспорти Сендай ва Китаками шаҳарлари орасидаги йўлда ўтказилган синовда тезлиги соатиға 360 километргача чиққан.

«Жей-Ар Ист» темир йўл компанияси раҳбарияти вагонларда йўловчилар учун яратилган шароитни янада яхшилаш, катта тезлик тўфайли пайдо бўладиган шўққинни пасайтириш ва бошқа камчиликлар юзасидан изланишлар олиб борилиши давом этишини маълум қилган.

Синов даврида электропоезд 30 минг километрга яқин масофани босиб ўтди. Аиникса, 2005 йил август ойида ўтказилган синовда унинг тезлиги рекорд даражаси етиб, соатиға 398 километрни ташкил қилган эди. Мутахассисларнинг фикрича, «Фастек»нинг имкониятлари бундан ҳам-юқори бўлиб, соатиға 405 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин.

Поездда саккизта вагон бор. Улар оқ ва мовий рангда. «Фастек» оддий тормоз билан бирга ҳаво тормозига ҳам эга. Мушук қулоқларига ўхшаш бу ҳаво тормози фавқуллоҳ ҳолатларда поезд томи ўзга кўтарилади ва тезлиқни кескин пасайтиришга хизмат қилади.

«Фастек» номли поездлар 2011 йилдан мамлакат пойтахти Токио ва Аомори шаҳарлари йўналишида қатновни йўлга қўйилиши режалаштирилган.



Қарор ижроси билан

Н.ОЧИЛОВ,
Паркент туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

Аҳоли ҳавфсизлигини таъминлашда юқори ва ўрта босимли газ қувурларини қонун ҳужжатларида белгиланганидек муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу қувурлар ўтган жойларда оралик масофа сақланганда турли иморатларни қуриш бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Шунга қарамай, айрим мутасадди раҳбарлар бу масалага ўта масъулиятсизлик билан ёндошиб келаётгани кишини таъвишлантиради.

Бундан роппа-роса икки йил бурун, яъни 2004 йил 23 январь куни туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлигида юқори ва ўрта босимли газ қувурларини муҳофаза қилишда қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани, бундай ҳолатларни бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини қўриш юзасидан тақдимнома киритилган эди. Тақдимнома туман фаоллар йигилишида ва ҳокимлик қошидаги уй-жой, архитектура-шаҳарсозлик қонунчилигига рия қилинишни назорат қилувчи комиссиясида муҳокама қилиниб, тегишли тартибда қарор қабул қилинганди. Бироқ ушбу қарор фақат қоғозда қолиб кетди, деярли амалий иш қилинмади. Натижада туман миқёсида юқори ва ўрта босимли газ қувурлари муҳофазаси таъминлашда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилаётган.

Тумандаги деҳқон бозори маъмурияти томонидан газ қувури устига қушхона биноси қурилган. Буюм бозорида эса юқори босимли ГТКга уланган ер ости газ қувури хусусий тадбиркор М.Мирхайитовга тегишли хусусий дўқон тагида қолиб кетган. Паркент шаҳри "Гулбоғ" қўргонида яшовчи фуқаро Т.Сиддиқов бир неча бор оғохлантирилганига қарамадан юқори босимли газ қувурининг химоя ҳудудига молхона қуриб олган. Шунингдек, Д.Эргашев, М.Тоиров, Б.Тўғрўбеов, Ж.Махамов каби фуқаролар ҳам ана шундай ноқонуний ишга қўл уришган.

Фақатгина оддий фуқаролар эмас, масъул идора ходимлари ҳам мавжуд қонун ва қонуности ҳужжатларига амал қилмаётгани ачинарли, албатта. Туман уй-жой қурилиш бўлими томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга рия қилинмай Паркент шаҳридаги "Бўрсилик" даҳасидан аҳолига ер участкалари бериб юборилган. "Заркент" кишлоқи аҳолисига ҳам томорқалар худди шу тарзда бўлиб берилган. Натижада ҳар икки ҳолатда ҳам юқори босимли ер ости газ қувурлари аҳоли уй-жойлари ичида қолиб кетган. Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш 2004 йил январь ойида белгиланган бўлса-да, шу кунга қадар ҳеч қандай чора-тадбир амалга оширилмаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли ўртасида қонунларни тарғиб қилиш ишлари амалга оширилмаганлиги, туман ҳокимлиги қошидаги комиссия фаолияти самарасиз бўлганлигидир. Ахир, бундай ҳолатлар ўз вақтида бартараф этилмаса, давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зиён етказиши турган гап.

Қонун барчага баробар

Фермер манфаати

Маннон ПАРМАНОВ,
Нийшон туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси

Туманимизда қонунлар ижросини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида самарали иш олиб борилаётган. Аиникса, вилоят прокуратурасининг бевосита кўмаги ҳамда ходимларимизнинг сазй-ҳаракати билан кишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларга тўсиқ бўлаётган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишда бирмунча ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Кишлоқ ҳўжалигида қонунийликни таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини химоя қилиш борасида ўтган йили 24 та текириш ўтказди. Текиришлар натижаларига қўра 45 та протест, 29 та тақдимнома киритилиб, 196 нафар маъсўл шахслар оғохлантирилди, 158 киши маъмурий, 14 киши интизомий жавобгарликка тортилди, 2 та жиноий иш қўзғатилди.

Фермер — ернинг тақиймий эгаси. Соҳадаги ислохотлар самараси, юрт ободлиги, дастурхонимиз тўқинлиги қўр жихатдан уларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратганимиз. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили «Сафарали Маматов» фермер ҳўжалигининг 7 гектар ери туман ҳокими қарори билан янги тузилган «Дўстмуродов Ўбайдулла» фермер ҳўжалигига асоссиз равишда қўшиб берилган. Янги фермер ҳўжалигига ер ажратишда тендер танловлари ўтказилмаган. Шу боис туман ҳокими қарорига протест киритилди. Мазкур протест туман ҳокимлигида қўриб чиқилиб, адолат қарор топди. Ноконуний қарор бекор қилинди ва ер ўз эгасига қайтарилди.

Кўп йиллардан буюн давлатга галла ва пахта сотиш режаларини бажармасдан келаётган ширкат ва фермер ҳўжалиқларининг фаолияти таҳлил қилиниб, текиришлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, «Ширинобод» жамоа ширкат ҳўжалигида экин майдонларидан мақсади фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторингда бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, ҳўжаликнинг мансабдор шахслари томонидан 2005 йил ҳосили учун пахта ва галла экилиши лозим бўлган 192 гектар майдонга бошқа экинлар экилган. Оқибат-

Аёл мадҳи

Сенини васфинга сўз етмас

Сулаймон ҲАЙДАР Касбий

Нафосат мулкида танҳо
Аёлдирсан, аёлдирсан.
Ҳаёт богида унган илк
Нихолдирсан, нихолдирсан.
Кўнгул осмонида ҳам нур,
Ки орзу ўйида ҳам хур.
Сўзин ёғдулари манзур
Ҳилолдорсан, ҳилолдорсан.
Қошига ўсма тоштирган,
Йигитни чул, тоғ оштирган.
Нихохи кўзни шоштирган
Жамолдорсан, жамолдорсан.
Юракларга солиб гавго
Ва тақдирни қилиб айро.
Охир танҳо ўзи даъво —
Висолдорсан, висолдорсан.
Садоқат ҳам суянгувчи,
Болам деб қунда ёнгувчи.
Бешик кўксига қонгувчи
Бехолдорсан, бехолдорсан.
Аёлларни қучиб тўсган,

Баҳор сен лолалар ўсган,
Ифори меҳридан эсган.
Шамолдорсан, шамолдорсан.
Яратмоқ илк — нихосига,
Ки ёр Одам Атосига,
Ўзинг Момо Ҳавосига
Мисолдорсан, мисолдорсан.
Гўдак бошин севиб қучган,
Дуоларга қўлин очган.
Азобларни олиб қочган
Ҳаёлдорсан, ҳаёлдорсан.
Замон бўлсин қушойиш деб,
Йироқ бўл ранжу қойиш деб,
Мудом бўлсин осойиш деб
Кашолдорсан, кашолдорсан.
Сабр айлаб шукур қутган,
Бошидан санги тош ўтган,
Асрларга бўйи етган
Камолдорсан, камолдорсан.
Ўзинг Кунтуғмишу Барчин,
Ширин, Лайли, Кумуш-мискин.

Толиқса ҳам руҳи ўскин
Маҳолдорсан, маҳолдорсан.
Сенга миллат ва ирк танҳо,
Худуд билмас оқар дарё,
Башарга исми бир маъно
Мақолдорсан, мақолдорсан.
Адолат мавжи ҳар коми,
Муҳаббат шакли дил жами,
Қиёмат ҳам, азиз номи
Ҳалолдорсан, ҳалолдорсан.
Не таъриф айлаин камтар,
Само саҳнидаги Хулқар,
Оқар томирда қон дилбар
Зилолдорсан, зилолдорсан.
Сенинг васфинга сўз етмас,
Ажиблик қошидан кетмас,
Ҳануз инсон билиб етмас
Саволдорсан, саволдорсан.
Сулаймон сўзга бер барҳам,
Агарчи сузларинг ақрам,
Дегил чин дардида малҳам,
Аёлдорсан, аёлдорсан.

8-Март халқаро хотин-қизлар байрами



Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат

Она меҳри

Самғу ЗУФАР

Қанийди дунёни бошқарса она
Олам иллатлардан бўларди фориғ.
Меҳру муҳаббатдан толиб бошлана
Оталар юзи ҳам бўларди ёруғ.

Писанд этмас она гала-говурни
Бегубор чақалоқ йиғлаган палла.
Меҳру муҳаббатдан гўё дунё шовқини
Она боласига айтганда алла.

Оналар дунёдан ўтар чоғида
Интиқиб қаҳрлар азиз боласин.
Оналар умрининг энг адоғида
Қўришни истаркан нури дийдасин...

Эҳтиром

Ғойибназар МАҲМУДНАЗАРОВ

Баҳорнинг мавжидан эй қизлар,
Гул мисли қулдингиз доимо.
Фақат сиз туфайли ечилар,
Ҳар қандай мушкуллик, муаммо.

Сиз борки кўркам ва файзли,
Оила — гўшаи хонадон.
Сиз эркак зотининг ҳамиша,
Вафолӣ ёрисиз, жонажон.

Ардоклаш зарурдир ҳар доим,
Аёллар, ҳаётга сиз ҳамдам.
Сиз билан бу дунё жамул-жам,
Сиз борсиз элу юрт хотиржам.

Паноҳ

Ашуралӣ Боймуродов

Жаннати бор оёқ остида,
Дунё бир гул гўё наздида,
Гап кетса гар фарзанд устида
Ёлғиз паноҳ она дуоси.

Севса жондин ортқ севгувчи,
Фарзанд учун жонин бергувчи,
Энг сўнгги дам "болам" дегувчи
Ёлғиз паноҳ она дуоси.

Асрагайман юракда номин,
Ёруғ тутғум саҳару шомин,
Улғу калом — ўзбекча омин:
Ёлғиз паноҳ она дуоси.

Шундайлар бўлмаса
агар дунёда...Дилмурод ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Қурсия қирқ беш ёшни қоралаб қолди. Ҳамон хур қиз. Чунки бирор марта ҳам унинг эркак зоти ҳақида гапирганини ҳеч ким эшитмаган. Сал ўсмоқчилаб сўраганларни эса жеркиб беради. Моданинг кетидан қувмайди. "Ўзимнинг чит, сатин қуйлақларимдан қўямасин", дейди. Қурсиянинг борган энг узоқ жойи — туман маркази. Тўй-ҳашамларга боришни ҳам унчалик ёқтирмайди. Қурсия ҳақида ёзишни қўлдан буён ўйлаб юрарман... Дастлаб унинг исмига ҳавасим келарди. Истараси ҳам иссиққина, сўрашилари меҳрибон, ўта беозор. Қизим бўлса исмини Қурсия қўяман, деб орзулаган пайтларим ҳам бўлган. Ўзига айтганимда у қулиб қўя қолган, синикроқ қулганди.

— Қўйсанг-чи, болам, — дейди унинг онаси Мухтара буви. — Бошқа исм қуриб қолганми, сенга? Қурсиянинг тақдирига ҳавас қилиб бўлмайди. Мени шу қаритди. Шунинг деб саксон ёшдан ўтиб ҳам қўзим очик кетса керак.

Қурсиянинг онаси Мухтара буви менга амма бўлади. Ҳозир 80 ёшнинг устида. Турмушнинг кўп машаққатини тортган аёл. Олтишинчи йилларнинг ўрталарида эри қўшчи Аҳмад Содик огир касалликдан вафот этган. Бировдан мадад қутдиган замон эмас, ҳамма ҳам бир амаллаб кун кечирарди. Амма томорқасига зўр берди. Тинимсиз ишлади. Болажон рўзгорини ўз томорқасидан юргизди.

Тўрт фарзанди турмушда зорлик кўрмади. Хонадонга ҳурмат устига ҳурмат қўшилди. Ҳозир амманинг икки ўғил, бир қиздан 15 нафар набираси бор. 5 нафар эвара ҳам аллақачон бешик тўйи кўрди.

Бир гал турли ушук (у киши эртакни ушук дейди), ривоят ва маталларни хотирасида мустаҳкам сақлаб, қайфияти келганда айтиб юрадиган Мухтара амманинг ҳузурига қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Аёл" шеърини ўқиб бериш ниятида атай бордим.

— Сизга бир шеър ўқиб бермоқчиман, — дедим амманинг қайфиятини чоғ қўриб.

Мен шеърни кироат билан ўқиб бошладим: Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёху, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан, Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...

— Менга қара, — амма муҳим бир нарсга эсига тушгандек, — Сен ўзинг мен ҳақимда қачон ёзсан? Қўзим тирикчилигида қўрамани, ўзи?!

— Албатта ёзаман, — деб тагин ваъда бердим. Амманинг ўғиллари Равшан ака ва Мухаммадхон алоҳида-алоҳида ҳовлида яшашади. Қиз Бибижон опа қўшни қишлоққа келин бўлиб тушган, уйли-жойли. Фақат Қурсия онаси билан яшайди. Она-ю қиз иккаласи ҳам давлатдан нафақа олади. Амма қарилик, Қурсия эса ногиронлик нафақасида.

Қурсия 1961 йили онадан сал заифроқ бўлиб тутилди. Ҳаммасига аввало йўқчилик, сўнгра огир меҳнат сабаб, дейди амма. Ўша йиллардаги огир турмуш Қурсияни дўхтирма-дўхтири олиб қолишга имкон бермади. Худонинг ўзи шифо берсин, дейишдан нарига ўтилмади. Вақт эса ўтаверди. Ана эрта, ана бугун дея даволаш кечикиб, тенгдошла-

ри қатори унинг ҳам бўйи етиб қолди. Биров касал деди, биров эси пастга чиқарди. Қурсия ариқдан сув ташиб, онасига ширин чойлар қайнатаиб берди, юмшоқ тўшақлар солиб эъзозлади. Далада кетмон чопди, пахта терди. Болаликдаги заифлик асорати туфайли уни нафақага чиқаришди. Қурсия ўз томорқасининг ҳақиқий меҳнатчиси айланди. У бир эркакдек ер ағдарди, экинларга сув таради, дарактлар тагини юмшатди. Онаси билан нафақаларини жамлаб ориқ мол сотиб олиб, меҳр билан боқиб парваришлаб семиртириб сотди, гўштга топширди. Акалари ва онасининг тўйларига тўёнлар қилди.

Мухтара амма рўзгори амал-тақал ўтаётган эркакли хонадонлардан гоҳида норози бўлиб гапирарди. Бу гаплар, албатта эгасини топади.

— Уйига ҳар кун меҳмон келмаса, ичмаса, чекмаса, ранго-ранг киймаса Мухтара бувинг бой бўлмай ким бой бўлсин, — дейди баъзи ўзини ориятли санаган эркаклар.

— Ранго-ранг киймасам ҳам йиртиқ-ямоқ кийганим йўқ. Ҳар кун набираларим уйимнинг чангини чиқаришади. Омон бўлгур, ичиш-чекишни эпласанг қил-да, — дейди амма улардан ўринли ранжиб.

Аянинг гапидан ранжиган баъзи эркаклар тўрт-беш кун қош-қовоғини уйиб юришади. Ҳафта ўтмай яна уша "алам" қилганининг ўғли ёки қизи "буви озроқ қарз бериб тураркансиз, дадам айтдилар", деб оstonада илтижоли тикилиб туради. Мухтара амма ўтирган жойидан кигизнинг қатини кўтариб, икки кило гўштга етадиган пулни ҳамсоя боланинг қўлига тўтқазади-да: "Дадагана айт, энди қарз керак бўлса ўзи келсин", дейди дилида гапи борлигини билдириб.

Яқинда қишлоққа ўтиб Мухтара аммани зиёрат қилдим. Тушлик пайти озгина пинакка кетган эканлар. Ўзларини тузатиб чиқиб келдилар.

— Ўғлинг университетга ўқишга кирибди деб эшитдим, — деди амма. — Илмга интилган кам бўлмайди, юриш-туришидан, усти-бошидан хабардор бўл. Бировдан кам бўлмасин. Бизларни ҳам йўқлаб тур, икки-уч кунлик меҳмонлигимиз қолди. Раҳматли отангдан бир ёш кичикман. Бу рўшнолик кўнларнинг қадрига етинглар.

Мухтара амма ўтган умридан рози. Оллоҳнинг берган ризқидан шукронаси бисёр. Аядан Қурсиянинг сихат-саломатлигини сўрадим.

— Яхши, — деди ая. — Опасининг уйига бир чалак узум олиб кетувди. Жиянларини соғинибди. Кечгача келиб қолади. Бошим огриси тепада тик туради, болам бечора. Билмадим мендан кейин унинг ҳаёти қандай кечади, — деди секингина. — Эркак зотининг номини эшитса эти сесканида. Таскиним шуки, нафақаси ўзига етади. Акалари, опаси, жиянлари хор қилиб қўямас. Сенгаям авлодлик жойи бор. Мендан кейин ҳам баъзан баъзан кўриниш бериб, уни сўраб тур. Мен уни ҳур ўстирдим, ҳур боқдим, ҳур қутдим. Эсингда тур, ҳурлар жаннати бўлади. Шу кун Мухтара аммага, Қурсияга меҳрим яна минг чандон ошиб уйга қайтдим. Ёзаман деганларимни шу оқшом қозғозга туширдим. Амма рост гапни яхши кўради. Қўрғанимни, эшитганимни ёздим. Дарҳақиқат, Шундайлар бўлмаса агар дунёда, Бу қадар муҳтарам бўлмасди Аёл.

Психолог маслаҳати

Узоқ умр кўрай
десангизФ.АКРАМОВА,
А.УСМОНҲУЖАЕВ

Инсон ўз умрини мазмунли, завқли, гўзал ва энг асосийси, узоқ бўлишини истайди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, инсон умрининг узун бўлиши учун ҳозирги кунда турли психолог омилларнинг таъсири катта экан.

Одам ўз табиий имкониятига кўра 120 йил ва ондан ортқ умр кўриши мумкин. Лекин бошқа кишилар билан бўладиган муносабатларда юз берадиган асабийлашмишлар, низо-лар, зиддиятлар, кўнгилсизликлар билинмас тарзда умрнинг қисқаришига олиб келади. Шунингдек, кишининг ўзига ёқимли бирор машқ ёки фаолият билан банд эмаслиги, одамларга муносабатда бекорчилик ёки жаҳлдорлик каби ҳолатлар ҳам киши умрига салбий таъсир этади.

Шунинг учун психолог ва шифокор мутахассислар бу борада қуйидаги маслаҳатларни берадилар:

- уйда ва ишда асабийлашмасликка ҳаракат қилинг, узаро муносабатларда бошқа одамларнинг кадр-қимматини сақлашга интилинг;
- доимо нима биландир машғул бўлинг, чунки бекорчилик ҳеч қачон ҳеч кимга фойда келтирмаслигини унутманг;
- яқин кишиларингиз муаммолари ва уларни қизиқтирган мавзуларга бекорқ бўлманг, уларни доимо қўллаб-қувватланг, яхшилик қилишга интилинг;
- ҳаётда севган одамларингиз кўп бўлишига ҳаракат қилинг, чунки бу кишига катта қўч беради, унинг жисмоний ва руҳий имкониятларини оширади, севиб-севилган киши 10-15 йилга ёш кўринишини ёдда тутинг;
- доимо ҳаракатчан бўлинг, узоқ умр кўришда бу ҳам жуда зарур омилдир;
- имкон қадар камтар бўлинг, манманлик умр заволи эканлигини унутманг.

"O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI" OAJ

акциядорлари диққатига

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

ОАЖ акциядорларнинг 2005 йил 3 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан «O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI» очик акциядорлик маъсулияти чекланган жамиятга айлантирилмоқда.

Тел: 144-19-91, 144-81-79

Кузатув кенгаши

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сийёсий
Кенгашининг
ижтимоий-сийёсий
газетаси

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Тахрир хайъати
Дилором
ТОШМУХАМЕДОВА,
Икбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 016
рақами билан рўйхатга
олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —

133-40-86

136-53-14

Факс —

133-41-89

Котибият —

136-55-96

Сийёсат ва партия ҳаёти бўлими —

133-41-89

Хатлар бўлими —

136-55-64

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими —

136-54-39

Иқтисодий ва саноат бўлими —

136-54-39

Маркетинг ва реклама бўлими —

136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Б. Тошназаров
Навбатчи —
Н. Ҳайдаров
Мусахҳиф —
Н. Мухсимова
Саҳифаловчи —
Л. Турсунов

• «Адолат»дан кўчириб
босиш фақат тахририят
рухсати билан амалга
оширилади.
† — Мазкур белги остида
тижорат мақолалари чоп
этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп
этилади.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г— 500
Ҳажми — 2 босма табок.
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 2045

Нашр индекси —100

Ҳафтанинг жума кунлари
чиқади.

Босишга топшириш вақти
— 20.00
Босишга топширилди
—

Ибн Синонинг болаллиги

Мақсуд ҚОРИЕВ

Қадр кечаси

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Абдуллох оиласининг Бухорога кўчиб келганидан кам бир ойдан ортқ вақт ўтди. Янги жой, янгича турмуш тарзи деганларидек, бу хонадонга келиб турадиган меҳмонларнинг ҳам салобати энди бошқача. Афсонадагидек эмас. Абдуллохнинг мансаби катта бўлмаса-да, ҳар ҳолда у амир девонидида хизмат қилади. Атрофда дўстлари кўпайиб, ҳовли олданини эшитиб, муборакбод учун келаятганлар ҳам анчагина. Бухорога кўчиб келиб, девонга яқин бўлган алломалар орқали жигарбанди Хусайинни ўқитмоқчи. Боланинг гайрат-интилиши сўнмасин, ёмон одамлар таъсирига берилиб кетмасин, деган умид-орзуси бор. Қолаверса, ўғли саккиз ёшга қадам қўйди. Оллох кам қилмасин, тафаккур доираси ёшига нисбатан тетик, кўп нарсга ақли етади. Тенгдошларига қараганда зийрак, бир нарсани ўқидими, эшитдими, зехнига муҳрлаб олади.

Муқаддас рамазон ойининг сўнгги кун. Эртага ҳайит. Кўчаларда одам гавжум. Ҳайитга ясалниб-тусаниб олишган. Энг камбағал хонадонда ҳам, албатта, паловхон тўра дамланади. Ситорабону ҳам ҳайитга кўп нозиньяматлар тайёрлади.

Мана, ош ҳам дамланиб қўйилди. Одатга кўра, фақат кўни-қўшинлар эмас, узоқ-яқин қариндошларга ҳам бир қосондан палов билан пишириқлар улашилади. Бу қадимий уду.

Абдуллох келди. Тўқин

дастурхон тайёр. Ситорабонунинг пазандалигига таҳсинлар айтиб, оша қўл уришди. Хусайн ошни жуда яхши кўради, уйда ҳар кун палов бўлса, дейди.

— Айтиб қўй, бугун Лайлатул қадр кечаси, ухламай, Оллохга ҳамду санолар айтиб чиқадиган муқаддас кеча эрур. Кейин азон билан ҳайит намозига борурмиз. Намоз Жума масжидда ўқилур, — деди Абдуллох ўғилларига.

— Ада, ада, қадр кечаси ухламай ўтирилса, осмондан ажойиб бир қуш учиб ўтармиш, кимки уни қўриб, ёнида ўтирган нарсани ушлаб оلسа, ўша нарсга олтинга айланиб қолур эмиш, шу рост эрурми, — деди Махмуд гапга аралашиб.

— Эй, менинг жигарбандим, қадимдан одамлар ўртасида шу ривоят юраду, аммо ҳеч ким ҳали ўша ноёб қушни кўрганича йўқдир, аммо Лайлатул қадр кечаси ҳақида айтадиган бўлсак, бу кеча осмондан фаршталар тушиб ердаги бўлаётган ишлар ҳақида маълумотлар тўплашур, ким саховатли савоб ишлар айледи, ким бировлар кўнглини огритди — барчаси ҳисоб-китоб қилинур.

Шу вақт эшик ёнида болаларнинг рамазон айтган овози келди. Улар орасида бир хушовоз бор экан. Гўё рамазон бандларини қўшиқ қилиб айтар эди:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Кўчордек ўғил берсин бешигингизга,
Амакижон, савоб ишга қўл урсангиз,
Худо сизга умр берсин, қиринг юзга.

— Эшитмаяпсанми онаси, болалар сенга нималар тилашмоқ-

далар. Яна ўғил бўлурми? — деди Абдуллох

— Оллохга минг шукурлар бўлсинким, икки ўғлимиз бордур, битта қизим бўлса, эди... — деди уялиб Ситорабону.

Болалар бироз жимиб қолишди. Ҳеч ким чиқавермагач, кетиб қолишгандай туюлди уйдагиларга. Янгилишган эканлар.

Мана энди болалар бараварига: Ака берасиз, ака берасиз

Нега бизга чака берасиз.

— Энди болаларнинг дилини огритмасдан бироз ақча, яна ёғли патирилдан олиб чиқиб бермогингиз керак, эшитурмисизки, уларнинг талаблари жиддий турр, — деди Абдуллох.

— Хусайн ўғлим, анави дастурхондаги ушатилган патирилари ол, даданг танга берсунлар, чака берманглар деб талаб қилишур. Бугун улуг аём, садақа бермоқ, албатта, лозимдур.

Хусайн дарвоза томон югурди. Уни кўрган болалардан бири:

— Аана, ўғли келур, зўр бола, ўзи жуда ҳам билагон ўғлон. Қурьон ўқиса йиғлатиб юборар эмиш.

Хусайн улар ёнига борган ҳамон болалар уни ўраб олишди. "Менга патири беринг", "Менга ақча" деб бир-бирларини итариб-сикиб Хусайнга ёпишди.

— Қани, болалар, тўпалон қилмангиз, барчангизга етарли емак олиб чиқдим, ҳовлиқмай турсаларинг ҳаммангизга ҳам етур.

Болалар хурсанд. Кейин раҳматлар айтишиб, йўлларига кетишди.

Бир кун Абдуллох девондан қайтгач:

— Кўча бошида бокқоллик дўкони бордур, чиқиб емак учун зарур нарсалар олиб келинг, бўтам, — деди Хусайнга.

(Давоми бор.)